

Мўминнинг вафоти аломатлари ва умматнинг умри



17:51 / 13.07.2017 8020

947. Бурайда розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мўмин пешона тери билан ўлади», дедилар».

Термизий, Насайй ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Яъни, ўлим шиддатидан ва Роббидан ўзига берилган башоратлардан хижолат бўлганидан мўминнинг пешонаси терлаб кетар экан.

948. Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мўминнинг жони (тер) томчиси билан чиқади. Эшакнинг ўлимига ўхшаш ўлимни ёқтирмайман», дедилар.

«Эшакнинг ўлими нима?» дейилди.

«Тўсатдан ўлиш», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абу Довуднинг ривоятида:

«Тўсатдан ўлиш ғазабла олишдир», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан мўмин кишининг ўлими олдидан уни ҳис қилиб, жисмида баъзи бир тер чиқишига ўхшаш аломатлар пайдо бўлиб, сўнгра жон таслим қилиши яхшилик аломати эканлиги билинади.

Уламоларимиз бу ҳақдаги маълумотларни жамлаганларидан сўнг қилган мулоҳазаларига қараганда, ўлимдан олдин беморлик тортган афзал экан. Чунки бемор бўлган одам тавба қилади, ўлимига тайёргарлик кўради, васият қилади ва ҳоказолар.

Ҳадиси шарифда тўсатдан бўладиган ўлимнинг эшакнинг ўлимига ўхшатилиши кофир шахсга нисбатан айтилган гапдир.

Бу маънони имом Ибн Абу Шайба ривоят қилган қуйидаги ҳадиси шарифдан билиб оламиз:

«Тўсатдан ўлиш мўмин учун роҳатдир, фожир учун ғазабдир».

Аллоҳ таоло мўмин ҳолимизда ўлишни барчамизга насиб этсин. Омин!

949. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қайси бир мўмин Жумъа куни ёки Жумъа кечасида ўлса, Аллоҳ уни албатта, қабр фитнасидан сақлайди», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадисдаги маънодан ҳам Жумъа кунининг фазли қанчалар улуғ эканлигини билиб олсак бўлади. Шу билан бирга, одам бу дунёда нима қилса қилиб, Жумъа куни ўлиш насиб этса, унинг иши тўғриланиб кетаверар экан-да, деган нотўғри фикр туғилмаслиги лозим.

Аввало бунга ўхшаш ҳадиси шарифларда тақводор мўмин бандалар кўзда тутилган бўлади. Чунки Жумъа куни сон-саноқсиз кофиру дийнсизлар ҳам ўладилар.

Иккинчидан, уламоларимиз «Ушбу ҳадиси шарифдагига ўхшаш енгилликлар фақат Жумъа куни ўтгунича, вақтинчаликка бўлади», деганлар. Нима бўлганида ҳам мўмин банда учун Жумъа куни ўлиш яхши экан.

Аллоҳ бизга ҳам шундай кунлардан насиб этсин.

950. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Умматимнинг умрлари олтмиш билан етмиш ўртасидадир. Озларигина ундан ташқарида бўладилар», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрати Умарлар олтмиш уч ёшларида вафот этганлар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)